



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 июль, № 136 (9031)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Бу ташриф икки қардош халқ ўртасидаги муносабатлар тарихида навбатдаги муҳим босқичга айланади. Ташрифнинг биринчи куни Президент Илҳом Алиев билан бўлиб ўтган музокаралар, Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи йиғилиши ва имзоланган қўлқўйилган нафақат икки томонлама алоқаларни, балки минтақадаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг йўналишини белгилашда ҳам муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбари 3 июль куни

Боку шаҳрида Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев мангу кўним толган Фахр хиббонига ташриф буюрди.

Президентимиз Ҳайдар Алиев қабрига гул қўйиб, Озарбайжоннинг буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Ҳайдар Алиев ҳақли равишда мустақил Озарбайжоннинг асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида мамлакатнинг жадал ривожланиши ва халқаро майдондаги нуфузи юкс

салиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Унинг давлат қурилиши ва миллий суверенитетни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси Озарбайжон тарихида алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистонда Ҳайдар Алиевни қардош давлатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият берган давлат арбоби сифатида чуқур ҳурмат қилинади.

Шундан сўнг Президент Шавкат

Мирзиёев Боку шаҳридаги Ғалаба боғига борди.

Ўзбекистон етакчиси Ғалаба қунига бағишланган ёдгорлик пойига гул қўйиб, Озарбайжон ватанпарварлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Озарбайжон пойтахти марказида жойлашган ушбу замонавий ёдгорлик мажмуаси мамлакат озодлиги ва ҳудудий яхлитлиги йўлида қўрбон бўлган миллий қаҳрамонлар хотирасини абадилаштириш мақсадида бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Фузулий шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Озарбайжон маданият вазири Одил Керимли ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шаҳар буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Муҳаммад Фузулий номи билан аталган. Мамлакатнинг Жануби-Ғарбий қисмида жойлашган бу шаҳар азалдан Қорабоғнинг “Жанубий дарвозаси” ҳисобланади.

2020 йилдан бошлаб Фузулий тумани ва шаҳрида кенг қўламли қайта тиклаш дастури амалга оширилмоқда. 2021 йилда фойдаланишга топширилган Фузулий аэропорти барпо этилган муҳим объектлардан бири бўлди. Шаҳарда, шунингдек, замонавий тураржой мажмуалари, тиббиёт ва таълим муассасалари, инфратузилма объеклари қад ростлади, янгилари қурилмоқда.

2023 йил август ойида икки мамлакат етакчилари шаҳарда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан биродар халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик рамзи сифатида қурилган Мирзо Улуғбек номидаги замонавий мактабни очган эдилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Озарбай

жон Республикаси Президенти Илҳом Алиев кутиб олди.

Бу ерда етакчилар қўша тикувчилик фабрикаси фаолияти билан танишди.

Қорхона Президентлар томонидан 2024 йил ноябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган БМТ Иқлим саммити доирасидаги учрашувда ишга туширилган эди. Тикувчилик фабрикасининг майдони 1,2 гектар. Лойиҳанинг умумий инвестиция қиймати 6,2 миллион долларни ташкил этади. Жами 800 та иш ўрни яратилади.

Қорхонада йилга 3 — 5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тайёр маҳсулотлар ҳам ички бозорга, ҳам экспортга етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Афғонистон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Мулла Абдул Ғани Бародарни қабул қилди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-логистика, энергетика соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Товар айирбашлаш ҳажми ва қўшма қорхоналар сони барқарор ортиб бораётгани алоҳида мамнунят билан қайд этилди.

Амалий алоқалар фаоллашди. Жорий йилнинг май ойида Қобул ва Мозори-Шариф шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйлари очилди. Июнь ойида Илтиёз савдо тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон етакчиси чегараолди савдо ва тегишли инфратузилмани янада ривожлантириш, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика ҳамда қурилиш материаллари тармоқларида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўна

лишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Стратегик муҳим минтақавий лойиҳа — Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамроҳлигида Ағдам шаҳридаги “Иморат” тарихий-меъморий мажмуасига ташриф буюрди.

Бу ерга Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам келди.

Ағдам шаҳри Озарбайжоннинг гарбий қисмида, Қорабоғ туманида жойлашган. 2021 йилдан бошлаб шаҳар инфратузилмаси фаол тикланмоқда: янги мактаблар, болалар боғчалари, уй-жойлар, маъмурий бинолар қурилмоқда.

“Иморат” мажмуасида Қорабоғ хонлиги асосчиси Паноҳ Алихоннинг саройи ва мақбараси жойлашган. 2024 йилда мажмуа реставрация ишлари ва археологик тадқиқотлардан сўнг қайта очилди.

Бу ерда Қорабоғ тулпорлари парки ва интерактив музей ташкил этилган.

Етакчилар мажмуада яратилган шароитлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Меҳмонлар эътиборига Озарбайжон Қорабоғининг бой маданияти ва аъналарини акс эттирувчи Қорабоғ тулпорлари иштирокидаги “Зафар” номли маданий дастур тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашув

ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ИМЗОЛАНДИ



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Нигина Абасзаде билан учрашди.

Унда мамлакатимизда демографик ўсишнинг ижобий имкониятлари, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ҳамда давлатимиз ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Айниқса, аёллар учун қўлай меҳнат шaroитларини яратиш, уларнинг иш ва оилавий масъулиятларини мувозанатли олиб бориш бўйича халқаро тажриба ва илғор амалиётларни ўрганиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, гендер тенглик масаласида факат статистик кўрсаткичлар эмас, балки амалий ўзгаришлар муҳимлиги қайд этилди. Бу борада аёллар ва қизларнинг салоҳиятини кенг қўллаб-қувватлаш, турли соҳада малака ошириш учун ўқув дастурлари-

ни йўлга қўйиш масаласида ҳамкорлиқни ривожлантиришга келишиб олинди.

Нигина Абасзаде, ўз навбатида, Ўзбекистонда қизлар учун таълим имкониятларининг кенгайиб бораётгани ва бу келажақ учун энг тўғри инвестиция эканлигини алоҳида эътироф этди.

Мулоқотда рақамли жиноятчиликка қарши қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш, онлайн ўзравонлиқка қарши аниқ ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

НАВОИЙ ВА ФУЗУЛИЙ ДАҲОСИДАН БАҲРА ОЛГАН ЭЛЛАР

Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжон Республикасига навбатдаги ташрифи кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш билан бирга, мамлакатлар ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик муносабатларида янги саҳифа очди. Эътиборга молик жиҳати, бу галги давлат ташрифи ва Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида ўтаётганидир.

Айтиш керакки, Президентлар томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, сўнгги йиллар-

да икки давлат ўртасида адабий алоқалар янада жонланди. Низомий Ганжавий “Хамса”сининг ўзбек тилида, Алишер Навоий “Хамса”сининг озарбайжон тилида нашр қилиниши, Бокуда “Истиқлол даври ўзбек шеърияти” антологияси, Тошкентда

Ўзбекистон Президенти қарорига мувофиқ “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг 100 жилдлиги нашрга тайёрланиши бунинг яққол мисолидир.

Бундан ташқари, юртимизда ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжумани, Бахшичилик ва “Лазги” фестиваллари ҳамда бошқа йирик маданий тадбирларда Озарбайжон ижодкорлари мунтазам иштирок этиб келаётгани ёки Бокуда миллий мугом санъати бўйича бўлиб ўтadиган аънавий фести-валга ўзбек санъаткорлари мунтазам тақлиф қилинаётгани айниқса, диққатга сазовор.



Ўзбекистон ва Озарбайжон:

МАЪРИФАТГА АСОСЛАНГАН ЮКСАЛИШ САРИ

Озарбайжон ва Ўзбекистон халқларини асрлар давомида муштарак тил, маданият, тарих, дин ва албатта, таълим-тарбия бир-бирига боғлаб келган. Икки мамлакат ўртасидаги мустаҳкам ришталар нафақат ўтмишга таянган, балки бугунги кундаги ҳамкорлик ва келажақдаги стратегик шериклик учун ҳам муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ҳамда Озарбайжон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Бу сиёсатдан тортиб иқтисодиёт, ижти-

моий, гуманитар, таълим ва маданият соҳаларини қамраб олмоқда. Бу йўлда барча ташкилий ва институционал механизмлар яратилган. Хусусан, Давлатлараро олий кенгаш, Ҳукуматлараро комиссия, Ишчи кенгаш ва қўшма инвестиция компаниялари фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга амалга ошираётган бу галги давлат ташрифи ва Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи йиғилиши, уларда имзоланган қўлқўйилган иттифоқчилик муносабатларимизни янада юксак даражага кўтарди. Яна ҳам тўғрироғи, муносабатларимиз тарихда ҳеч қачон бугунгидек юксак даражада бўлмаган.

Давлатлар раҳбарларининг музокараларида эришилган қилишувларнинг аҳамияти шундаки, амалдаги ҳамкорлик форматлари кенгайтирилади ва янги

форматлар йўлга қўйилади. Хусусан, сиёсат, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика сингари соҳаларда чуқур ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлса, айни чоғда олий таълим, илм-фан ва инновациялар йўналишидаги алоқалар ҳам сифат жиҳатдан янги-ча босқичга чиқмоқда.

Ташриф доирасида имзоланган икки давлат ўртасидаги Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ана шу стратегик шериклигининг янги йўналишини белгилаб берди.

Ҳукуматлараро тарихий битим

Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим том маънода тарихий ҳисобланиб, томонларнинг ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқчилик ва манфаатдорлик таъминланишига асосланган муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳужжатда белги-ланганидек, Ўзбекистон ва Озарбайжон таълим ҳамда фан соҳаларини миллий қонунчилик доирасида ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича қатор йўналишларда фаол ҳамкорлик қилишга келишиб олди.



नावوئىي ۋا فۇزۇئىي داۋەسىدان باۋرا ۇلغان ۇللار



1

Яна шуни эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида талабалар алмашинув дастурлари фаол амалга оширилмоқда. Ҳар йили Ўзбекистондан ўнлаб ёшлар Боку давлат университети, Озарбайжон дипломатия академияси, Озарбайжон техника университети каби етакчи таълим даргоҳларида тахсил олмақда.

Шунингдек, озарбайжонлик ёшлар ҳам Ўзбекистондаги нуфузли олийгоҳларда тахсил олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу жараён икки мамлакат ёшлари ўртасида интеллектуал мулоқот ва маданий англашувни кучайтириб, дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, навоийшунослик, фузулийшунослик ва туркий тилшунослик каби соҳаларда икки мамлакат олимлари ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга лойик. Бу нафақат илмий алмашинув, балки умумий маданий меросни қайта кашф қилиш ва уни дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари кўмитаси раиси.



АЛОҚАЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШМОҚДА

1

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги музокараларда халқаро майдонда яқин алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга қатъий интилиш тасдиқланди. Қўллаб долзарб глобал ва минтақавий муаммолар бўйича позициялар мос келиши қайд этилди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон барча ўткир муаммо ва зиддиятларни фақат тинч йўл билан, дипломатик саъй-ҳаракатлар орқали ҳал этиш тарафдори эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмининг яқин йилларда 1 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма амалий чоралар қўришга келишиб олинди. Савдо ва кооперацияни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, охириги йилларда парламент дипломатиясига қаратилган эътибор мустаҳкам сиёсий пойдевор бўлиб, натижада парламентлараро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Жумладан, 2020 йили икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари — Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Озарбайжон Миллий Межлисида парламентлараро ҳамкорлик гурӯҳлари тузилди.

Жорий йилнинг 1 июль

куни Хива шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, парламентлараро мулоқотни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Зеро, унда қатор долзарб йўналишлар, жумладан, стратегик шерикликни мустаҳкамлашда парламентлараро ўрни, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, рақамлаштириш, инновацион ривожланиш, барқарор қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик ҳамда гуманитар ва экологик соҳалардаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги серқирра ва самарали алоқалар бугунги кунда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш йўлини ишонч билан давом эттириш имконини берувчи мустаҳкам пойдеворга эга. Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга ташрифи ва олий даражадаги музокаралар ушбу жараёнга қўшимча суръат бағишлаши баробарида муносабатларни янги ва янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

МАДАНИЙ ЯҚИНЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧ ТИМСОЛЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида икки мамлакат алоқаларида яна бир тарихий саҳифа очилди. Боку шаҳрида «Ўзбекистон» боғига асос солиниши ва юртимизнинг элчихонаси учун янги бино очилиши — бу шунчаки инфратузилмавий лойиҳалар эмас, балки икки халқ ўртасидаги дўстлик, маданий яқинлик ва ўзаро ишончнинг рамзидир.

«Ўзбекистон» боғи — қардошлик тимсоли. Боку шаҳрида ташкил этиладиган мазкур боғ икки томонлама муносабатларнинг янада мустаҳкамлашишни англатади. У фақат дам олиш ва маданий марказгина бўлиб қолмай, халқ дипломатиясини чуқурлаштириб, ўзбек маданияти ва анъаналарини кенг тарғиб қилади ҳамда ёш авлодни дўстлик руҳида тарбиялашда муҳим майдонга айланади.

Озарбайжон пойтахтида Ўзбекистоннинг янги элчихонаси биносининг очилиши эса икки томонлама сиёсий мулоқотнинг институционал асосини мустаҳкамлайди. Янги бино дипломатик фаолият учун замонавий шароит яратиб, савдо, инвестиция, таълим ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватловчи марказ сифатида хизмат қила-

ди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Кавказ минтақасидаги нуфузини янада оширади.

Эътиборлиси, бу бионинг қурилиши нафақат расмий алоқаларни, балки хусусий сектор, тадбиркорлик ва жамоатчилик дипломатиясини ривожлантиришга замин яратади. Боғ ва элчихона каби ташаббуслар стратегик ҳамкорликнинг инсон капитали, маданият ва кадрлар орқали чуқурлаштириш таъминловчи рамзий асосидир. Улар икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев ўртасидаги шахсий ишонч ва сиёсий ироданинг амалий натижасидир.

Анвар ТҲҲИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув хўжалиги
масалалари ва экология
кўмитаси раиси.

БАРҚАРОР ВА МУВОЗАНАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ НАМУНАСИ

Президентимизнинг Озарбайжонга давлат ташрифи нафақат икки қардош мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан, балки ҳар томонлама иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантиришга кучли туртки сифатида алоҳида аҳамият касб этди. Депутат сифатида музокаралар давомида эришилган келишувларнинг, айниқса, стратегик йўналишлар — саноат, инвестициялар, логистика ва энергетика соҳаларида эришилган битимларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ташриф Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари барқарор ривожланиб бораётган шароитда ўтказилди. Саноат ҳамкорлигини чуқурлаштириш, технологик алмашувни кенгайтириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва қўшма ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этишга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши ташрифнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Хусусан, машинасозлик, нефть-кимё, электр энергетикаси, қурилиш ва тўқимачилик соҳаларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўшма инвестиция фондини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор ҳам муҳим янгиллик сифатида эътироф этилди. Фонднинг асосий вазифаси икки мамлакат тадбиркорлари иштрокидаги устувор лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Бу нафақат янги ишлаб чиқариш майдонлари ва технологик паркларни молиялаштириш имконини беради, балки Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи

кучларидан бири ҳисобланган кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

Озарбайжоннинг бой ресурслари ва Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган энергия эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда томонлар газ ва нефть таъминоти, шунингдек, қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди. Хусусан, углеводородларни қайта ишлаш бўйича қўшма қувватларни барпо этиш имконияти ҳамда энергетика тизимларини рақамлаштириш соҳасидаги Озарбайжон тажрибасини ўзлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналишга айланди. Озарбайжон Транскаспий йўлаги каби халқаро йўлакларнинг асосий бўғини сифатида Ўзбекистоннинг Қора денгизга ва ундан Европага чиқиш йўлидаги стратегик ҳамкоридир. Инфратузилмавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва мультимодал йўналишларни ривожлантириш давлатимизнинг экспорт имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, глобал етказиб бериш занжир-

ларига янада самарали қўшилишини таъминлайди.

Озарбайжон аграр секторида қўлланилаётган замонавий технологиялар, жумладан, рақамли деҳқончилик, сувдан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш усуллари Ўзбекистонда ҳам самарали жорий этилиши мумкин. Бу, айниқса, иқлим ўзгариши ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари мавжуд шароитда долзарб аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг стратегияси экспортга йўналтирилган, инновацияларга асосланган ва барқарор ривожланишни таъминлайдиган янги саноат тизимини шакллантиришга қаратилган. Шу нуктаи назардан, иқтисодиётни модернизациялашда Озарбайжон билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга.

Ишончимиз комилки, Бокуга ташриф якунлари нафақат давлатлараро алоқаларни, балки Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кучли туртки бўлади. Бугунги кунда жохон иқтисодиётидаги бекарорлик ва геосиёсий хавф-хатарлар шароитида ўзаро ҳурмат, амалиётчилик ҳамда умумий тарихий-маданий яқинликка асосланган бундай иттифоқлар барқарор ва мувозанатли тараққиёт намунасига айланиб бормоқда.

Ғания РАЙХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати.

Дунё нигоҳи

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ МАНФААТЛИ ФОРМАТИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган тадбирларнинг дастлабки натижаларини юксак баҳоламоқда

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университетининг Ижтимоий
тадқиқотлар институти профессори,
Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт
(Испания):

— Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи бугунги кунда юксалиб бораётган ўзбек — озарбайжон муносабатлари ривожига муҳим босқич бўлди. Олий даражадаги музокаралар ва 2 июль кунини ўтказилган Давлатлараро олий кенгашининг иккинчи йиғилишида иштирок этиш стратегик шерикликнинг янги йўналишларини белгилаш ва бошқа асосий жабҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Музокаралар якунлари бўйича ўзаро манфаатли алоқаларга янги суръат бахш этадиган мустаҳкам икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзолангани, айниқса, муҳимдир.

Ташрифнинг буюманитар қисмини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Давлатингиз раҳбарининг Боку шаҳридаги “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйиши ва Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимидаги иштироки икки халқ ўртасидаги қардошлик ришталарининг рамзий маъносини таъкидлайди. Шуша, Агдам ва Хонкендидаги маданий дастурлар эса ишонч, ўзаро ёрдам ва тинч ҳамда бунёдкор келажакка интилиш ортиб бораётганининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади.

Айдин АСКЕРОВ,
Латвия Марказий Осиё ва Яқин Шарқ
сиёсий тадқиқотлари институти
президенти:

— Ташриф тарихан яқин бўлган икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Минтақавий миқёсда саноат, халқаро автомобиль алоқаси, туризм, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш, ҳарбий ҳамда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларида ўзаро шерикликни фаоллаштиришни рағбатлантирувчи жуда таъсири келишувлар тўпламининг имзоланиши орқали кенг қамровли алоқаларни янада чуқурлаштириш жараёни шундан далолат беради.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг тил, ди-

ний, маданий қадриятлар ва цивилизациявий ҳамжамият, иқтисодиётларнинг бир-бирини тўлдирувчи табиати ҳамда икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончнинг юксак даражаси давлатлараро мулоқот учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Глобал етказиб бериш занжирларидаги узилишлар, жумладан, янги геосиёсий воқеялар билан Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг минтақалараро шерикликни чуқурлаштириш бўйича олиб борган мазмунли музокаралари ўз вақтида ва ўзаро манфаатли бўлди.

Расмий Тошкент ва Боку Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ҳамда Европа ва Осиё қитъалари давлатлари ўртасида болговчи кўприк бўлиши мумкин. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи узок истиқболда икки дўст ва қардош мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Сюй ТАО,
Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги
Ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари
марказининг Евроосиё ижтимоий тараққиёт
институти директори ўринбосари:

— Ўзбекистон ва Озарбайжон Давлатлараро олий кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг таъсирчан динамикасини намоён этмоқда. Кенг қўламли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши расмий Тошкент ва Боку иттифоқчилик муносабатлари доирасидаги декларациялардан аниқ ҳаракатларга ўтаётганини тасдиқлайди, бу эса Евроосиё интеграцияси руҳи ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти таъминлашга тўлиқ мос келади.

2025 — 2029 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” алоҳида эътиборга лойик. Чунки унда узок муددатли ҳамкорлиқнинг тизимли вектори белгиланган. Бу шунчаки сиёсий сигнал эмас, балки саноат ва қишлоқ хўжалигини тортиб, экология ва таълимга бўлган асосий соҳаларни қамраб олган аниқ ҳаракатлар режасидир. Бундай яхлит ёндашув Хитойнинг кенг қамровли шериклик моделига мос келади, биз уни “Бир ма-

кон, бир йўл” ташаббуси доирасида илгари сурягизми.

2030 йилгача товар айирбошлаш ҳажмининг 1 млрд. АҚШ долларига етказиш дастури ва саноат кооперацияси иқтисодий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлайди. Денгиз орқали ташиш ва “яшил” энергия соҳасидаги келишувлар эса Каспий денгизи орқали транзит учун янги имкониятлар очади. Хитой минтақадаги энг йирик инфратузилма инвестори сифатида бундай лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда, чунки улар бизнинг Марказий Осиё ва Кавказдаги логистика ташаббусларимизни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон тўқасида Тадбиркорлар кенгаши ҳамда Саноат ва иқтисодий зоналар форумининг ташкил этилиши иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга йўналтирилган инновацион ва прагматик ёндашувни ифодалайди. Ушбу механизмлар ҳукуматлараро келишувларни шунчаки тўлдирмайди, улар бизнес ҳамжамиятлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа каналларини яратади.

Шахриёр ХОН,
Миллий мулоқот форуми таҳлилий
маркази ижрочи директори (Покистон):

— Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи ва унинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги иштирокини икки томонлама Ўзбекистон — Озарбайжон кун тартиби учун ҳам, бутун ИХТ макони учун ҳам жуда муҳим воқеа деб биламан.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўтган бир неча йил ичида изчил ҳамда тизимли стратегик шерикликнинг ноёб намунасини намойиш этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган шахсий ўзаро англашув ва ишонч давлатлараро муносабатларга мустаҳкам замин яратди.

Покистон нуктаи назаридан, расмий Тошкент ва Боку ўртасидаги яқинлашув ҳар икки давлатнинг трансминтақавий транспорт йўлакларини мустаҳкамлашдаги роли ортиб бораётган бир шароитда, айниқса, муҳимдир. Ўзбекистон “Шарқ — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” ривожланиш ташаббусларини амалга ошириш устида фаол ишламоқда ва Озарбайжон бу жараёнда асосий ҳамкорга айланыпти. Уларнинг Транскаспий йўнали-

ши бўйича биргаликдаги фаолияти нафақат иқтисодий, балки геосиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва ундан кейин Европа ҳамда Яқин Шарқ минтақаларини янада яқинроқ боғлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг тармоқлар бўйича ҳамкорлиги улар мулоқотининг стратегик йўналишидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, давлатлар декларациялар билан чекланиб қолмайди, улар сармоя киритади, қўшма компаниялар, таълим муассасалари ва саноат майдончалари яратди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ саммитидаги иштироки эса назаримда, минтақавий интеграцияга қўшимча суръат бағишлайди. Ўзбекистон ўзини минтақанинг бошқа давлатлари томонидан қўллаб-қувватланадиган амалий, реал ташаббусларни илгари суришга қодир давлат сифатида тобора ишонч билан намоён қилмоқда.

Марс САРИЕВ,
сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда, бу 2024 йилда имзоланган Иттифоқчилик шартномасида ҳам ўз тасдиқини топган. 2030 йилга бори ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 1 млрд. долларга етказиш мақсадлари белгиланган бўлибди, 2025 йил — “Иқтисодий ҳамкорлик йили” деб эълон қилинди.

Бу гагга ташриф чоғида кенг қўламли келишувлар тўплами имзолангани ҳам томонларнинг узок муددатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишидан далолат беради.

Бокуда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиши дипломатик инфратузилма кенгайиши рамзига айланди.

Умуман, Ўзбекистон Жанубий Кавказда ўзининг сиёсий ва иқтисодий маквеини мустаҳкамламоқда. “Урта йўлак” кун тартиби фаоллашмоқда. Бу ҳар икки давлат транспорт-логистика ҳамкорлигини кенгайтириши баробарида муқобил йўналишларни очмоқда.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон ва Озарбайжон:

МАЪРИФАТГА АСОСЛАНГАН ЮКСАЛИШ САРИ

Илмий муассасалар ва олийгоҳлар ўртасида тўғридан-тўғри aloқалар ўрнатиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда тадқиқотчилар алмашинуви ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, ўқув-услубий материаллар ва инновацион тажриба билан ўзаро алмашиш — буларнинг барчаси битим мазмунинда aloҳида ўрин тутadi. Шунингдек, ўзбек ва озарбайжон тилларини ўзаро ўқитиш, конференциялар, форум ва семинарларда иштирок этиш, фан ва таълим соҳаларидаги янги технологияларни қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар ҳам кўзда тутилган.

Ушбу ҳамкорлик доирасида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили ҳар икки давлатнинг 10 нафар талабаси — бакалаврият, магистратура ва докторантура йўналишларида академик квота асосида таълим олиш имкониятига эга бўлади. Таълим харажатларини молиялаштириш ва номзодларни танлаш каби масалалар дипломатик каналлар орқали ҳал қилинади.

Мақзур ҳужжат икки давлатнинг таълим ва фан соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорлигини қонуний асосда мустаҳкамлаб, янги имкониятлар эшигини очadi. У билим, илмий тажриба ва маданий яқинлик орқали икки халқни янада жипслаштиришга хизмат қилади. Имзоланган битим — Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг маърифат йўлидаги ҳамкорлиги, биргаликдаги тараққиёт сари қўйган қадами. Бу нафақат икки мамлакат, балки минтақа таълим макони учун ҳам муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу битим келажақда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги таълим ва фан соҳаларидаги муносабатларни янги сифат босқичига олиб чиқишга замин бўлади. У икки давлатнинг академик салоҳиятини оширишга, жаҳон миқёсида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Мақзур битимнинг амалга оширилиши икки давлат ёшлари учун янги таълим ва илмий салоҳият эшикларини очadi. Ўзбекистон ва Озарбайжон олийгоҳлари ўртасидаги қўшма дастурлар, талабалар ва тадқиқотчилар алмашинуви, илмий изланишлар ҳамда академик мулоқотлар орқали ёшлар замонавий билим, янги тажриба ва кенг дунёқарашга эга бўлади. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар учун ҳам халқаро стажировкалар, конференциялар, тренингларда қатнашиш имкониятлари яратилиб, уларнинг малакаси янада оширилади, таълим жараёнига илгор методика ва ёндашувлар татбиқ қилинади.

Битим инновацион ҳамкорлиқнинг ривожини учун ҳам мустаҳкам замин яратadi — икки томонлама илмий тадқиқотлар, янги технологиялар ва ишланмаларни амалга оширишга имкон беради. Бу жараён нафақат таълим соҳасини, балки иқтисодиёт ва саноатни ҳам янги даражага кўтариши мумкин.

Маданий яқинлик ва тил алмашинуви орқали эса халқлар ўртасидаги ўзаро англашув, қадриятларга ҳурмат ҳамда дўстона муносабат янада мустаҳкамланади. Ўзбек ва озарбайжон ёшлари бир-бирининг тиллари, маданияти ва анъаналари билан танишиб, маънавий жиҳатдан бойиб боради.

Энг муҳими, ушбу битим келажақда кадрлар тайёрлаш, фан ва таълимни ривожлантиришда самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйишга хизмат қилади. У икки давлатнинг халқаро таълим майдонидаги нуфузини оширади, минтақавий ҳамкорликка янги мазмун бағишлайди ва икки халқнинг маърифат сари қўйган қадамларини бирлаштиради.

Янги билимлар, лойиҳалар ва имкорликлар

Хозиргача Ўзбекистон ва Озарбайжон университетлари ўртасида 100 дан ортиқ ҳамкорлик битимлари, меморандумлар ва қўшма дастурлар имзоланган. Талабалар, ўқитувчилар, профессорлар, илмий ходимлар ўртасида фаол академик алмашинувлар йўлга қўйилган.

Хусусан, Тошкент кимё-технология институтини ва Боку нефть олий мактабини ўртасида икки томонлама самарали ҳамкорлик доирасида “1+1” форматда қўшма магистрлик дастури йўлга қўйилди. Маз-

кур дастур халқаро таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини чуқурлаштириш, илмий-амалий фаолиятга жалб этишни мақсад қилади. Шу орқали икки мамлакат ёшларининг глобал меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишига шароит яратилади.

Шунингдек, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб “Молия” ва “Бизнес таҳлили” йўналишлари бўйича ҳам қўшма магистрлик дастурларини амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу дастурлар орқали талабалар икки давлатнинг илгор таълим тажрибасидан фойдаланиш, мутахассислардан тўғридан-тўғри таълим олиш ҳамда стратегик фикрлаш, таҳлил қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Бундай қўшма таълим лойиҳалари икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасидаги ишончли ҳамкорлик самараси бўлиб, узоқ муддатли илмий ва академик aloқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон миллий педагогика университети, Термиз давлат университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият

журналлар тақдимотлари, бадий ҳамда ҳужжатли фильмлар премьералари ташкил қилинди. Шунингдек, халқаро илмий анжуманлар, конференциялар ҳам ўтказилиб, марказ вакиллари Озарбайжондаги шу каби тадбирларда ҳам доимий равишда иштирок этиб келаётир.

Марказ қошида фаолият юритаётган “Фузулий дилбандлари” тўғараги эса ёшлари ўзбек ва озарбайжон адабиётининг муштарак илдизлари билан таништириш, адабий меросни чуқур англаш ва қадрлашга ҳисса қўшмоқда. Тўғарақ аъзолари икки халқ ўртасидаги адабий aloқаларни янада мустаҳкамлашга интиляпти. Хусусан, озарбайжон тилини ўрганиш, шеърий ва илмий матнларни таржима қилиш бўйича тажриба орттирмоқда.

Бой маданият ва анъаналарни намоиш этадиган мажмуа

Ташрифнинг яна бир эсда қоралри воқеаси Боку шаҳрида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши

“Давлатлар раҳбарларининг музокаралирида эришилган келишувларнинг аҳамияти шундаки, амалдаги ҳамкорлик форматлари кенгайтирилади ва янги форматлар йўлга қўйилади. Хусусан, сиёсат, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика сингари соҳаларда чуқур ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлса, айни чоғда олий таълим, илм-фан ва инновациялар йўналишидаги aloқалар ҳам сифат жиҳатдан янгича босқичга чиқмоқда. Ташриф доирасида имзоланган икки давлат ўртасидаги Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар битим ана шу стратегик шериклиқнинг янги йўналишини белгилаб берди.

институтини Озарбайжоннинг нуфузли олийгоҳлари билан талабалар алмашинуви дастурларини бошлаб юборган.

Шунингдек, Тошкент давлат техника университети ҳамда Озарбайжон давлат нефть ва саноат университети ўртасидаги самарали ҳамкорлик йиллар давомида илм-фан ва технология йўналишларида чуқур мазмун касб этмоқда. Бу ҳамкорлиқнинг яққол намоён бўлган шакли — “Интеллектуал тизимлар” халқаро конференцияси йилдан-йилга ўз нуфузини мустаҳкамлаб, глобал илмий ҳамжамият эътиборидан муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

2018 йилдан буюн ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мақзур анжуман илк бор Боку шаҳрида старт олган бўлса, кейинчалик Тошкент ва яна Боку шаҳарларида навбатма-навбат ўтказилиши унинг халқаро аҳамиятини янада оширди. Турли мамлакатлардан нуфузли олимлар, ёш тадқиқотчилар, муҳандис ва мутахассислар тўплашиб, сунъий интеллект, робототехника, мехатроника, “ақлли” ечимлар ва автоматлаштириш соҳаларидаги инновацион гоҳ ҳамда ишланмаларини ўзаро тақдим этиб, тажриба алмашмоқда.

Конференция доирасида юзлаб илмий мақолалар дунё илмий майдонида тан олинган платформада эълон қилинди, ўзаро академик алмашинувлар йўлга қўйилди, интеллектуал тизимлар бўйича илмий мактаб шаклланди ва у доимий равишда фаолият юритмоқда. Эндиликда ушбу самарали йўлнинг янги босқичи сифатида конференцияни 2026 йили яна Тошкентда ўтказиш режалаштирилляпти. Бу икки мамлакатнинг етакчи техника университетлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, янги билимлар, лойиҳалар ва имкониятлар эшигини очишини аналтади.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида ташкил этилган Фузулий номидаги ўзбек — озарбайжон илмий-тадқиқот маркази икки қардош халқ ўртасидаги маънавий-маърифий ҳамкорлиқнинг амалий кўринишига айланди. Марказ ўз фаолиятини бошлаган илк кунларданок илм-фан, адабиёт ва маданият соҳаларида турли ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Ушбу муассаса ташаббуси билан бугунга қадар қатор илмий-назарий, маданий-адабий тадбирлар, китоб ва

2022 йил июнь ва 2024 йил август ойларидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил август ойида Озарбайжонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муҳим воқелик бўлди. Ушанда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида Давлатлараро олий кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолади. Ўзбекистон етакчисининг Фузулий ва Шуша шаҳарларига ташрифи озар халқининг кўнглини тоғдек кўтарди. Чунки Фузулий шаҳрида 960 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурилиши Ўзбекистон Президенти ташаббусининг амалий ифодаси бўлди. Мирзо Улуғбек номи билан аталган янги мактаб халқларимизни янада яқинлаштириш, ўсиб келаётган озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюк аждодларимизнинг меросига ошно этишга хизмат қилляпти.

Икки халқ ўртасидаги мустаҳкам кўприк

Бугун Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги илмий-таълимий aloқалар нафақат икки халқнинг келажаги учун муҳим, балки минтақавий барқарорлик ва тараққиёт учун ҳам аҳамиятли омилга айланмоқда. Янги имзоланган Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлараро битим бу йўлдаги муҳим ҳужжат бўлиб, олий таълим соҳасида сифатли ўзгаришлар, илмий ёндашувлар ва технологик янгиланишлар учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратadi.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида яқин ҳамда кўп қиррали шериклик йўлга қўйилганини ҳам aloҳида таъкидлаш жоиз. 2022 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолангани икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, икки давлат қонун чиқарувчи органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатаётганини ҳам aloҳида тилга олиш мумкин.

Шунингдек, парламентларнинг мутасадди қўмиталари ва комиссиялари ўртасида яқин aloқаларни ўрнатиш, парламент делегациялари ўзаро ташрифларини кенгайтириш устида ҳам ишлар олиб бориляпти. Куни кеча қадимий Хива шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми нафақат тарихан қадриятлари ва ўтмиши муштарак халқларнинг бирлигини ифодаловчи, балки парламентлараро ҳамкорлиқни янги сифат босқичига кўтарувчи анжуман бўлгани билан аҳамиятлидир.

Форумда дўстлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш, уларни парламентлараро комиссиялар даражасига кўтариш, қўшма қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқиш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, рақамли трансформация ва экология каби устувор йўналишларда ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу анжуман парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янги форматда кенгайтиришга туртки беради. Зеро, унда қонун ижросини назорат қилиш, бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, рақамли ислохотлар, киберхавфсизлик, маданият ва туризм соҳаларидаги aloқалар, атроф-муҳитни муҳофазалаш ҳамда аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни каби мавзуларга эътибор қаратилди.

Бугун Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида барпо этилаётган ҳамкорлик замонавий дунёда икки қардош халқнинг интеллектуал, иқтисодий ҳамда маданий йўғунлигини намоён қилувчи мустаҳкам кўприкка айланмоқда. Бизнес ва инвестиция, илм-фан ва таълим, маданият ва адабиёт каби қатор жабҳаларда ўзаро манфаатли aloқалар кенгайиб, ҳар икки мамлакат тараққиётга хизмат қилмоқда. Айни пайтда дўстона муносабатларнинг шундай мустаҳкам замин устида ривожланаётгани, халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва ўзаро ишончи бу ҳамкорлиқни янада кенг қамровли ва бардавом қилиши шубҳасиз. Дунё ўзгарса-да, юракларни боғлаган қадриятлар, ҳамжихатлик ва яқинлик aloқалари ҳамиша сақланиб қолади. Бу эса икки халқ келажагининг энг ишончли қафолатидир.

Кўниротбой ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири.

Акс садо

ИСЛОҲОТЛАР РЎЁБИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Ҳар қандай давлатнинг эртанги куни, келажаги ёшлар, уларнинг билим ва тафаккури, илмий салоҳиятига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишларда фаол қатнашаётган, бемисл ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб-билиб улғаяётган ёшлар — янги Ўзбекистон бунёдкорлари, десак, янглишмаган бўламиз.



Аҳолисининг ярмидан кўпини айнан ёшлар ташкил этадиган юртимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил 30 июнь кунин Президентимизнинг ёшлар билан мулоқоти чоғида ҳам шу жиҳатларга aloҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Йиғилишда таъкидланганидек, ёшларнинг илмий салоҳияти ва билим даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бугунги кунда юртимиз ёшлари дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларда — “ТОП — 10”, “ТОП — 100” ва “ТОП — 300” рўйхатларидаги университетларда таҳсил олмақда. Бу эса таълим сифатининг орттиши, халқаро стандартлар асосидаги тайёргарлик тизимининг самарадорлигини кўрсатади.

Хусусан, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнелл каби университетларга йўл очиб мақсадида энг иқтидорли 3 минг ўқувчини тайёрлаш дастури йўлга қўйи-

лади. Бу борада кам таъминланган oilалар фарзандларига ҳам имкониятлар яратилади. Энди “ТОП — 300” таликдаги олийгоҳларга ўқишга кирган ёшларга имтиёзли кредитлар берилади.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар қалби ва тафаккурини маънавият билан бойитиш масаласи доимо устувор вазифа сифатида тилга олинди.

Ёш авлодда Ватанга муҳаббат, садоқат, ўзликни англаш ва миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш маънавий тарбиянинг асосий йўналишидир. Бу борада “Миллат фидойилари” монументи каби лойиҳалар aloҳида аҳамият касб этади. Пойтахтимиздаги Фалаба боғида эл-юртимиз тинчлиги йўлида жонини фидо қилган мард юртдошларимиз номларининг абадийлаштирилиши ёшларда ватанпарварлик ва фидоқорлик туйғусини уйғотadi.

Бу нафақат хотира, балки

маънавий сабоқ ва ибрат мактабидир.

Таъкидланганидек, ёшларни маънавий камолотга етказишда китобсеварлик, санъат ва маданиятнинг ўрни бекиёс. Меҳрмурувватли, кенг дунёқарашли, ўзига ва бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган авлоднинг тарбиялашда адабиёт, мусиқа, театр ҳамда бошқа маънавий воситаларга асосий омил сифатида қаралмоқда. Танловларда голиб бўлганларнинг чекка худудлардаги мактабларда учрашувлар ўтказиши, ижодкор ёшларнинг кўргазмалари, театр сафарлари, ёш санъаткорларнинг рағбатлантирилиши — буларнинг барчаси маънавий ҳаётни жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг маданият ва санъат соҳаларидаги иқтидорини рўёбга чиқариши учун олий таълимга киришда берилган имтиёзлар, “Иқтидор” ансамбли солиларининг махсус мусиқа мактабларида бепул ўқиши каби ташаббуслар ҳам маданий ўсишни қўллаб-қувватлайди. Бу сиёсат жамиятда эстетик ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаб, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашга йўналтирилган.

Ёшларимизни маънавий-ахлоқий камол топтириш, маърифатли қилиш, уларнинг эртанга “бутун шахс”лар бўлиб етишиши йўлида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Бу эса янги Ўзбекистоннинг раванакига муносиб ҳисса бўлади.

Кобулжон ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ЮҚОРИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРГА ЭГА МУТАХАССИСЛАР – ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Қарийб 38 миллион аҳолининг 19 миллиондан ортиғи 35 ёшгача бўлганлардир. Ушбу катта салоҳият мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва ривожланишида катта ўринга эга, десак, янглишмаймиз.

Яқинда давлатимиз раҳбари навқирон авлод вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувдаги нутқида ёшлар сиёсатида эришилган ютуқлар, яратилган имкониятлар ва келажақдаги режалар тўғрисида тўхтади.

Сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошгани айтиб ўтилди. Бу ўринда истиқболли кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат бошқарувида жалб этиш бўйича жорий йилнинг май ойида Президент Фармони ҳам имзоланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз келажаги учун салоҳиятли кадрлар муҳим ўринга эга. Шу сабабли, учрашувда юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш ва хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлашда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши aloҳида эътироф этилди. Зеро, ушбу жамғарма мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлашга қаратилган муҳим институт ҳисобланади.

Жамғармага ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса давлатнинг ёшларга бўлган эътибори ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик ёндашувини акс эттиради. 2018 йилдан бугунги кунга қадар “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2 225 нафар стипендиат 45 га яқин давлатларга ўқишга юборилиб, Давлат бюджетидан жами 1,5 трлн. сўм маблағ ажратилди. Хозиргача уларнинг 1 400 нафари ўқишни битирган Ўзбекистонга қайтиб, иқтисодиёт тармоқларида, таълим, фан, тиббиёт ва давлат бошқарувида ишламоқда.

Аҳамиятли жиҳати, ташкилот фаолияти

нафақат хорижда таълим олишни қўллаб-қувватлайди, балки стипендиатларни мамлакатда муносиб иш билан таъминлаш ва уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратади.

Келгусида ҳам ёшлар учун яратилаётган шароитларни халқаро стандартларга мос равишда юксалтириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу ёшларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, халқаро майдонда рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, замон талабларига мос мутахассислар тайёрлашда Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳам муҳим ўрин тутadi. Академияда ўтган ўқув йилида 13 мингдан зиёд тингловчиларнинг малакаси оширилган. Янги йилга қўра, давлат хизматчилари учун 3 та дастур — малака ошириш, қайта тайёрлаш ва магистратура жорий этилади. Барча ўқувлар хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсиялари асосида ташкил қилинади.

Ўзбекистонда ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар мамлакат келажагига инвестициядир. Таълим, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотлар ёшларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Келгусида халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини янада мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон ёшларининг глобал майдонда ўз ўрнини топиши учун барча имконият яратилади.

Зиёбек ЮНУСОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Туркияда бўлиб ўтаётган «F-Istanbul» халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасида «Made in Uzbekistan» миллий стенди доирасида юртимиз корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда.

ГЛОБАЛ ДЕМОКРАТИК ТАРТИБНИНГ АҲАМИЯТИ, МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

30 июнь санасида Халқаро парламентаризм куни дунё бўйича кенг нишонланди. Байрам рамзий маънога эга: айнан шу кунни 1889 йилда Парламентлараро Иттифоқ ташкил этилган бўлиб, қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги уюшган халқаро ҳамкорлик ва замонавий парламент дипломатиясининг шаклланишига асос солинган.

Икки пачифисти — британиялик Уильям Кремер ва франциялик Фредерик Пасси томонидан асос солинган Парламентлараро Иттифоқ дастлаб тинч ҳакамлик ва мулоқот майдони сифатида ўйланган эди. Вақт ўтиши билан у парламент дипломатияси ва инклюзивлиكنинг ноёб глобал платформасига айланди. Совуқ уруш ва мустамлакачиликдан кейинги тинчлик шароитида Парламентлараро Иттифоқ бетаарафликини сақлаб қолди ва қарама-қарши блоklar ўртасидаги мулоқот учун камдан-кам учрайдиган майдонга, кейинчалик эса парламентлар ва БМТ тузилмалари ўртасидаги боғловчи бўлинга айланди.

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқ 181 миллий ва 15 та минтақавий парламентни бирлаштирган бўлиб, парламент дипломатияси, гендер тенгликни илгари суриш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланишга қўмаклашиш соҳасида марказий институт ҳисобланади. Парламентлараро Иттифоқ Бош

котиби Мартин Чунгоннинг сўзларига кўра “бугунги дунё талабларига жавоб бериш учун замонавий парламентлар сезиларли даражада ривожланиши керак”.

Халқаро парламентаризм кунининг таъсис этилиши Парламентлараро Иттифокнинг 130 йиллиги муносабати билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 майдаги А/РЕС/72/278-сонли резолюциясига бориб тақалади. Ушбу сананинг эълон қилиниши парламентларнинг халқ ҳокимиятчилиги, демократия ва парламент назорати институтлари сифатидаги тарихий ҳамда замонавий ролининг ҳуқуқий эътирофи бўлди. Парламентлараро Иттифоқ парламент дипломатияси амалиётини шакллантириш, инклюзивлик, тенглик ва шаффофликини рағбатлантириш, шунингдек, халқаро миқёсда қонун устуворлиги таъминлашнинг қарор топтиришда муҳим роль ўйнади.

72/278-сонли резолюция нафақат тарихий санани абадийлаштирди, балки унга замонавий аҳамият ҳам берди. У миллий қонун чиқарувчи органларнинг ҳисобдорликини таъминлаш, шаффофликини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги таъминлиги риюя этиш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш кун тартиби доирасида давлатларнинг халқаро мажбуриятларини амалга оширишдаги марказий ролини алоҳида таъкидлади.

нингдек, уларнинг демократик қадри-ятларни ва халқаро мажбуриятларни илгари суришдаги масъулиятини қайта кўриб чиқиш учун кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Миллий ташаббусларни сафарбар этиш платформаси

Парламентаризм Иттифокнинг муво-фикаштираувчи роли ва ҳамкорларининг фаол кўмаги туфайли **100 дан ортиқ давлат** парламентлари ҳар йили 30 июнь кунига бағишланган турли тад-бирларни ташкил этади. Ушбу ташаббус-лар мазкур санани сиёсий ва институ-ционал маданиятнинг барқарор элемен-тига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Бир қанча давлатларда Халқаро парламентаризм куни парламентлар ва фуқаролик жамияти ўртасидаги алоқа-ни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли дастурларни амалга ошириш учун бошлангич нуктага айланиб бор-моқда. Улар қаторига аҳолини долзарб кун тартибидagi масалаларни муҳока-ма этишга жалб қилиш максдадида уюштирилган жамоатчилик эшитувлари ва очик парламент сессиялари, замона-вий парламентаризмнинг долзарб қақи-риқларига бағишланган экспертларнинг давра суҳбатлари ва семинарлари, шу-нингдек, ёшлар учун мўлжалланган пар-ламент симуляциялари, экскурсиялар, маърузалар ва интерфаол платформа каби таълим тадбирлари кирди.

Экологик ва рақамли йўналишларга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги йилларда парламентларнинг иқлим масъулияти доирасида дарактлар экиш ва бошқа акцияларни ўтказиш каби та-шаббуслар кенг тарқалмоқда. Шу би-лан бирга, **“парламент хақатонлари”** деб номланувчи IT ҳамжамиятлари, та-лабалар ва рақамли технологиялар со-ҳаси мутахассислари иштирокидagi ин-терфаол сессиялар ҳам амалга оши-рилмоқда. Ушбу тадбирлар техноло-гиявий инновацияларни қонунчилик фаолиятига татбиқ қилишга, қайтарма алоқа каналларини кенгайтиришга ва парламентларнинг рақамли трансфор-мациясини чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Инновацион форматлар, айниқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси дав-латларида жадвал ривожланиб бормоқ-да. Парламент хақатонлари, асосан, ёшлар парламентлари, университетлар ва технология кластерлари билан ҳам-корликда амалга оширилади. Бу таша-ббуслар нафақат фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди, балки рақам-ли ёндашувларни қонун ижодкорлиги ва парламент мониторинги жараёнарига институционаллаштиришга ҳам ёрдам беради.

Шу тарика Халқаро парламентаризм куни рамзий сана чегарасидан чиқиб, институционал янгиланишнинг самара-ли воситасига айланмоқда. У вакилик органларига ишончни мустаҳкамлашга, сиёсий инклюзивлигини оширишга ва бошқарувга инновацион ёндашувларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Узоқ муддатли истиқболда бундай амалий ишлар иштирок, шаффофлик ва ҳисоб-дорлик принципларига асосланган барқарор демократик ҳамкорлик модел-ларини шакллантиради.

Шу тарика Халқаро парламентаризм куни рамзий сана чегарасидан чиқиб, институционал янгиланишнинг самара-ли воситасига айланмоқда. У вакилик органларига ишончни мустаҳкамлашга, сиёсий инклюзивлигини оширишга ва бошқарувга инновацион ёндашувларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Узоқ муддатли истиқболда бундай амалий ишлар иштирок, шаффофлик ва ҳисоб-дорлик принципларига асосланган барқарор демократик ҳамкорлик модел-ларини шакллантиради.

Шу тарика Халқаро парламентаризм куни рамзий сана чегарасидан чиқиб, институционал янгиланишнинг самара-ли воситасига айланмоқда. У вакилик органларига ишончни мустаҳкамлашга, сиёсий инклюзивлигини оширишга ва бошқарувга инновацион ёндашувларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Узоқ муддатли истиқболда бундай амалий ишлар иштирок, шаффофлик ва ҳисоб-дорлик принципларига асосланган барқарор демократик ҳамкорлик модел-ларини шакллантиради.

Парламент трансформацияси — барқарорлик вектори

Сиёсий қўлбашув, рақамли транс-формация ва иқлимдан тортиб икти-мий-иқтисодий таҳдидларгача бўлган глобал хавф-хатарлар кучайиб бораёт-ган шароитда парламентларнинг де-мократик институт сифатидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу маънода, Халқаро парламентаризм куни пар-ламентларнинг янгиланиши ва халқаро ҳамкорлигининг стратегик платформаси сифатидаги салоҳиятга эга бўлмоқда.

Ушбу куннинг глобал кун тартибида-ги ролини ошириш ва уни миллий амалиётларга интеграция қилиш учун қуйидаги йўналишларни ривожлантириш максдади мувофиқ:

Биринчидан, Халқаро парламента-ризм кунини миллий даражада институционаллаштириш. Жумладан, уни сиёсий тадбирлар тақвимида рас-мийлаштириш, уни ўтказиш бўйича пар-ламент режаларини ишлаб чиқиш, пар-ламентлар фаолияти тўғрисида жамо-

2025 йилда парламент кунининг асосий урғуси янада долзарб аҳамият касб этади. Гарчи халқаро ҳаракатлар ва ютуқлар мавҳуд бўлса-да, сиёсатдаги гендер тенглик қўлпал давлатлар учун ҳали ҳам амалга ошмаган максд бўлиб қолмоқда. “Қадам-бақадм гендер тенглигига эришиш” кампанияси бу шунчаки назарий шior эмас, балки изчил қонунчилик, институционал ва маданий ўзгаришларни талаб қилувчи амалий стратегиядир. Фақат жинси, ёши, миллати ёки ижтимоий мақомидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг иштирокини таъминлаш орқалигина парламентлар ҳақиқатан демократик ва ҳаётий аҳамиятга эга институтларга айланади. Уларнинг турли жамиятларни акс эттириш, инкирозларга жавоб бериш ва барқарор ечимларни ишлаб чиқиш қобилияти XXI аср парламентаризмининг асосий мезони бўлиб қолади.

Акмал САИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, академик.

Демократик ўзгаришлар таянчи

Маълумки, парламентлар демократик бошқарув тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, ихро этувчи ҳокимият устидан назорат ҳамда қонунчилик функцияларини амалга оши-ради. Глобал қўлбашув, давлат инсти-тутларига ишончининг пасайиши, шунинг-дек, сўз эркинлиги ва парламент мус-тақиллигига босим кучайиб бораётган бир шароитда парламентларнинг роли-ни қайта кўриб чиқиш ва мустаҳкам-лаш масаласи, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, **Халқаро парламента-ризм куни** нафақат рамзий, балки амалий аҳамият касб этади. У парламент-ларнинг демократик ўзгаришлар таян-чи сифатидаги ролини таъкидлайди ва айни пайтда долзарб муаммолар муҳо-камаси, институционал ислохотларни илгари суриш ва XXI асрнинг сиёсий-ижтимоий воқеялигига мос келадиган вакилликнинг инновацион моделлари-ни ишлаб чиқиш учун глобал платфор-ма бўлиб хизмат қилади.

Замонавий парламентлар ички тар-тибга солиш институтлари доирасидан чиқиб, иқлим ўзгариши, рақамли транс-формация, миграция инкирозлари, жа-моат саломатлигини таъминлаш ва ин-сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби трансмилий муаммоларни ҳал этишда қатнашувчи глобал сиёсий-ҳуқуқий ар-хитектуранинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Шу нуктаи назардан, пар-ламент дипломатияси, транспарентлик ва инклюзивлик янгича мазмун касб эт-моқда.

БМТнинг расмий материалларида таъкидланганидек, “кучли парламентлар демократиянинг асоси ҳисобланади”, чунки айнан улар “халқ фикрини акс эттиради, қонунлар қабул қилади ва ҳукуматлардан ҳисобот талаб этади”. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2018 йил Халқаро парламентаризм куни муносабати билан йўллаган табригида **“Парламентлар демократиянинг таянчи, инсон ҳуқуқларининг муҳим ҳимоячиси, маҳаллий ва глобал ма-салалар ўртасида боғловчи бўгин бўлиши мумкин. Улар қонунчилик ва бюджет ечимлари орқали Барқарор ривожланиш макссадларига эришиш-га қатта ҳисса қўиши мумкин”**, де-ган эди.

2025 йил апрель ойдаи Ўзбекистон пойтахти илк бор Марказий Осиё учун тарихий аҳамиятга эга бўлган Пар-ламентлараро Иттифокнинг 150-йилбей ассамблеясига мезбонлик қилди. **“Иж-тимоий ривожланиш ва адолат йўли-да парламент ҳаракатлари”** мавзуи-да ўтказилган форумда 130 га яқин мамлакатлардан 1400 га яқин делегат-лар, жумладан, 100 дан ортиқ миллий парламентлар спикерлари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашди.

Ассамблеяда нутқ сўзлар экан, Ўзбе-кистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокчиларга қарата **“Сизлар — ба-мисоли халқларни бир-бирига боғ-ловчи мустаҳкам дўстлик кўприги-сиз. Сизлар — одамларнинг дарду таъвиши ва муаммоларини энг қуий тизимдан бошлаб, керак бўлса, мин-тақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсизлар”**, дея таъкидлади. Давлат раҳбари Парламентлараро Иттифокда қатнашиб демократик ислохотлар ва парламент ваколатларини кенгайтириш борасидаги саяй-ҳаракатларга ишон-чи акс эттиришини айтиб, парламент-ларнинг тинчликпарварлик, ижтимоий ривожланиш ва адолатни таъминлаш-нинг асосий механизми сифатидаги ро-лига ишонч билдирди.

Асосий вазифалар ва устувор йўналишлар

Халқаро парламентаризм куни пар-ламент тараққиётини рағбатлантириш-

нинг институционал механизми, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги трансмилий мулоқот учун туртки вазифасини бажаради. Унинг асосий йўналиши миллий парламен-тларни ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқишга, жумладан, унинг самарадор-лигини баҳолашга, демократик стандар-лар контекстида инклюзивлик ва шаф-фофликини рағбатлантиришга қаратил-ган халқаро ташаббусларда фаол қат-нашишга сафарбар этишдан иборат.

Парламентлараро Иттифоқ ва БМТнинг тахлилий маърузаларига кўра, Халқаро парламентаризм куни доира-сида илгари сурилаётган муҳим маса-лалар ва устувор йўналишлар пар-ламент фаолиятининг ҳисобдорлиги, шаффофлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва аҳоли заиф қатлам-ларининг парламент тузилмаларидаги иштирокини кенгайтириш, парламент назорати самарадорлигини кўтариш, қонунчилик экспертизасини тақомил-лаштириш, парламент жараёнларининг рақамли трансформациясини таъмин-лаш, 2030 йилгача барқарор ривожла-ниш кун тартибига амалга оширишда парламентларнинг ҳиссасини институ-ционализация қилишдан иборат.

Халқаро парламентаризм кунининг долзарблиги, айниқса, демократик бошқарувнинг глобал ўзгаришлари ва инклюзивлик, очиклик ва ижтимоий адо-латга бўлган талабнинг ортиб бориши шароитида янада кучаймоқда.

Мазкур сана доирасида ҳар йили уюштириладиган глобал кампаниялар-нинг мавзулари ва шiorлари белгилан-ган устуворликларни изчил таъкидлай-ди ҳамда парламентаризмининг иқлим, сиёсий, технологик ва демографик таҳ-дидларга мослашиш қобилиятини акс эттиради.

2025 йилда Халқаро парламента-ризм кунининг марказий мавзуси — “Қадам-бақадм гендер тенглигига эришиш”дан иборат бўлди. Бу глобал парламент кун тартибидида тенг вакил-лик масаласининг устуворлигини кўрса-тади. Парламентлараро Иттифоқ ва **“БМТ-Аёллар”** ҳамкорлигида йўлга қўйилган **“Гендер тенглигига эришиш: ҳаракатма-ҳаракат”** номили кампания Пекин декларацияси ва Ҳара-катлар платформасининг 30 йиллигига бағишланди. Кампанияда айтилишича, айрим давлатларда гендер вакиллиги соҳасидаги тараққиёт секинлашаётган ёки ҳатто орқага кетиш кузатилаётган бир вазиятда изчил ва тизимли ҳара-катларни амалга ошириш зарурати таъ-кидланади. Кампания материалларида қайд этилганидек, **“Энди сўздан амал-га ўтиш вақти келди. Ҳар бир қадам муҳим аҳамиятга эга”**.

Халқаро парламентаризм куни нафа-қат рамзий, балки миллий парламент-лар ичидagi тизимли ислохотларни рағ-батлантириш, шунингдек, тенглик, иш-тирок ва барқарор ривожланиш та-моийлари асосида халқаро парламента ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратил-ган меъёрий восита сифатида ҳам аҳамият касб этмоқда.

Замонавий парламентаризм: гендер ўлчови

Эришилган тараққиётга қарамасдан сиёсий вакилик соҳасидаги тузилма-вий тенгсизлик ҳозирги парламента-ризм учун энг долзарб қақирқлардан бири бўлиб қолмоқда. Парламент-лараро Иттифоқ маълумотларига кўра, 2025 йил бошида дунёнинг миллий пар-ламентларидаги аёллар сони умумий депутатларнинг учдан бир қисмидан камроқни ташкил этади. Бундай номи-таносиблик нафақат ҳокимиятга тенг имконият билан киришга, балки қонун чиқарувчи органларнинг кун тартибига ҳам таъсир кўрсатади, жумладан, ген-дер ўривонлигининг олдини олиш, реп-родуктив саломатликини муҳофаза қилиш, бандлик ва ижтимоий адолат соҳасида тенг имкониятларни таъмин-

лаш каби муҳим масалаларда ҳам.

“БМТ-Аёллар” ҳисоботида таъкид-ланганидек, **“Ҳокимиятда аёлларнинг тенг вакиллигисиз адолатли ва барқарор демократик тизимни таъ-минлаб бўлмайди”**. Шу нуктаи назар-дан, гендер тенглик нафақат ижтимоий адолатнинг таркибий қисми, балки инклюзив, барқарор ва легитим пар-ламент институтларининг тузилмавий асоси сифатида ҳам қаралади.

Бу масала Тошкентда ўтказилган **Парламентлараро Иттифокнинг 150-йилбей ассамблеяси** доирасида алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу тад-бирда расман **“Гендер тенглигига эришиш: ҳаракатма-ҳаракат”** номили парламент кампанияси ишга туширил-ди. У учта стратегик устуворлиқ асоси-да амалга оширилмоқда. Булар — пар-ламент тузилмасининг барча даража-сида қарор қабул қилишда тенг ишти-рокни таъминлаш, парламентларни тенг шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлаш механизмларига эга гендерга сезгир органларга айлантириш, гендер зўра-вонлиги ва камситишга қарши тизимли кураш олиб бориш, жумладан, сиёсий босим ва жамоатчилик олдидаги зўра-вонлик шаклларига қарши туриш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Шу жихатдан, **Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг** Тошкентдаги Парламентлараро Иттифок сессиясида айтган сўзлари алоҳида аҳамиятга эга: **“Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Тахлиллар-га кўра, иқтисодиётнинг барча тар-моқларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялли ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ўсади”**.

Бу ёндашув халқаро ҳамжамият то-монидан юксак баҳоланди. **Парламент-лараро Иттифок раиси Тулия Эксон** парламентда аёллар сони ортиб бо-раётгани, шунингдек, ёшларнинг пар-ламент ишларида фаол қатнашиши ку-затилаётганини таъкидлаб экан, мам-лакатимиз Президентининг нутқи Тош-кент декларациясининг асосини ташкил қилганидан фахрланиши, унда Барқа-рор ривожланиш максадлари, ижти-моий адолат, аёллар ва ёшларнинг ҳам-иятдаги роли, гендер тенглик каби масалаларга алоҳида ўрин берилгани-ни эътироф этди.

Парламентлараро Иттифоқ 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида сиёсатда аёллар-нинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгай-тиришга қаратилган комплекс чоралар-ни амалга ошириб келмоқда. Ушбу иш-лар доирасида асосий механизм сифа-тида Аёллар-парламент аъзолари фору-ми алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тенг иштирокини институционаллаштиришда муҳим роль ўйнади. Асосий ютуқлар қаторига парламент делегацияларида мажбурий гендер таркибини жорий этиш, тенгликни илгари суришда эрқа-кларни ҳам иттифоқчи сифатида жалб қилиш, шунингдек, аёлларни қамраб ол-маган делегацияларга қарши санкцион механизмларни қўллаш кирди.

Парламентлараро Иттифоқ Бош ко-тиби Мартин Чунгонг таъкидлаганидек, ҳозирги парламентлар бугунги дунёнинг талабларига жавоб бериш учун тубдан ривожланиши керак. Унинг қайд эти-шича, изчил инклюзив сиёсат туфайли Парламентлараро Иттифоқ тадбирлари-да аёлларнинг иштироки 11-12 фоиз-дан қарийб 38 фоизга ошди.

Парламентлараро Иттифоқ ўз фао-лиятида БМТ Хавфсизлик Кенгаши-нинг 1325 (2000) ва 2250 (2015)-сон-ли резолюцияларига ҳам фаол равиш-да таянади. Ушбу ҳужжатларда аёл-лар ва ёшларни тинчлик, хавфсизлик ва тикланиш жараёнларига жалб қилишнинг муҳимлиги таъкидланади. Гендерга сезгир парламентаризм жа-моатчилик ишончини мустаҳкамлаш, зўравонлигининг олдини олиш ва ни-золардан кейинги жамиятларни қайта тиклашнинг асосий омили сифатида қаралади.

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) Ўзбекистон шахмат федерациясини «FIDE OUTSTANDING CONTRIBUTION AWARD 2025» мукофоти билан тақдирлади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги: ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси олимлар ва кенг жамоатчилиқда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу хавфнинг юзага келишида Ер юзидаги экологик муаммолар, глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва геосиёсий вазият сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бунга бепарво қараб бўлмайди. Чунки озиқ-овқат ресурслари инсоният учун энг муҳим ҳаётий омил ҳисобланади. БМТ маълумотларига эътибор қаратсак, бугунги кунда дунёда чорак миллиард одам очлик туфайли азият чекаётгани, 2 миллиарддан ортиқ одамлар хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат билан таъминланмагани маълум бўлади. Демак, шундай муаммо бор экан, унинг юртимизда рўй бермаслиги учун озиқ-овқатни кўпроқ етиштириш, сифатли сақлаш ва исроф қилмасдан аҳоли дастурхонига етказиб бериш ҳаракатида бўлишимиз лозим.

Бугуннинг гапи

Барги ҳам пул

Гоҳида баъзи одамлар “Бу муаммолар чет элларда бўляпти, ўзимизда ҳамма нарса бадастир” деб, бепарво юришади. Аслида ундай эмас. Сув танқислиги, глобал иссиқ, экологик хавф-хатарлар, чўлланиш ҳамда бошқа ресурсларнинг қисқариши минтақамизда ҳам аққол сезилмоқда. Муаммонинг ечими эса озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қўлай табиий муҳитдан оқилана фойдаланишга қаратилиши лозим. Аммо бунга тегишли вазирлик, соҳа ёки тизимнинг вазифаси деб қараб турмасдан ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшсак, нур устига нур бўлади. Бинобарин, халқимиз азалдан меҳнатқаш, ишбилармон бўлиб, она заминдан ҳалол ризқ ундириб, эл дастурхонини тўқин этган. Фидойилиги билан йўқни бор қилиб, моддий неъматлар яратган. Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турган пайтда “етти ўлчаб, бир кесиб” янги-янги имкониятлар яратаетган юрtdошларимиз ҳам қўллаб топилади.

Масалан, Наманган вилояти-нинг Тўрақўрғон туманидаги Соҳиобод маҳалласи нафақат узумдан, балки унинг баргидан ҳам яхшигина даромад олишни йўлга қўйишган. Бу ҳудуд иқтисодиёти-ни юксалтириш билан бирга маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аҳолининг асосий даромади богдорчилик бўлган Тўрақўрғон туманида 300 гектардан ортиқ узумзорлар мавжуд. Ушбу парвариш қилинаётган узумлар июль-август ойларида пишиб етилади. Соҳиободлик миришкорлар томонидан узум пишишига қадар ток барглари узилиб, яримтайёр маҳсулот сифатида вилоятлар, ҳатто

қўшни мамлакатларга ҳам етказиб берилаётгани таҳсинга лойиқ. — Қора кишимнинг таъми озгингизда қолади, жуда ҳаридор-гир, хаттоки барги ҳам шифобахш, витаминга бой, — дейди Тўрақўрғон тумани ҳокимининг “Соҳиобод” МФЙдаги ёрдамчиси Илҳомжон Абдуллаев. — Ток баргига ўраб тайёрланган таомнинг мазаси озгингизда қолади. Саломатликка фойдали эканини айтмайсизми? Маҳалламизда ҳар бир хонадон томорқасида тоқзор бор. Токлардан узилган барглар бозорларга етказилиши учун хонадонлардан аёллар жалб этилиб, сараланади ва зарур ўлчамларда боғланади. Эрта тонгдан аёллар,



қиз-жувонлар барг тергани боришади. Уйда уни санаб, саралаб, боғлашади. Бу барглар, асосан, дўлма ҳамда бошқа таомлар учун табиий хомашё бўлиб, ошхона ва ресторандар маъсуллари уларни бажонидил харид қилмоқда. Демак, Тўрақўрғондаги тоқзорларда етилган узумгина эмас, балки барги ҳам даромадга айланаётгани қувонарли, албатта.

Кичик хонадондаги катта бизнес

Ҳар бир муваффақият замирида сабр, чидам ва фидойилик

бўлади. Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи тадбиркор Уроҳон ая ана шундай сабр-бардоши ме-тиндай мустақкам аёллардан бири. Онахон аёл боши билан ҳовлисида зотдор қўй боқиб, ойига 25 — 30 млн. сўм даромад топмоқда, десак, кимдир ишонади, кимдир эса йўқ. Бу ёлғон эмас.

Унинг айтишига кўра, 4 бош қўйдан бошланган лойиҳа бугун-ги кунда 130 бошдан ортиқ зотдор қўйкор боқишдек катта биз-несга айланиб кетган. Хонадон эгалари ҳар ойда 30 млн. сўм даромад қилаётгани эса ишнинг кўзини бишлиш ва омилкорлик белгиси, десак, айни ҳақиқат. Олдий хонадон соҳиблари, ўғил-қиз, келинлар шу юмуш билан машғул.

Халқимизда “Излаган им-кон топади”, деган нақл юра-ди. Уроҳон ая ҳам тўрт бош қўйни вақти келиб, 130 бош-



га етказиш қанчалик катта машаққат талаб этиши-ни яхши биларди. Аммо у ўз олдига қўйган мақса-дидан чекинишни истам-ди. Бугун эса меҳнатининг маҳсулидан баҳраманд бўлмоқда.

— Биз шаҳарда яшай-миз, хонадонимиз жуда тор, илгари бу ерда по-тар мидор-бодринг экиб, ҳосил олардик, — дейди Уроҳон ая Каримова. — Экин-тикиндан кел-ган даромаддан 4 бош наслил қўйкор сотиб олиб боқа бошла-ди. Семирган қўйкорларни со-тиб 8, кейин 16 бошга айлан-тирдик. Мана бугун хонадо-нимиздаги қўйкорлар сони 130 тага етди. Яқинда 10 тасини сотиб, ўрнига 20 бош қўзи олдик. Бо-қиб, парваришлаб, уларнинг ва-зини 70 — 80 килограммга ет-казамиз. Шу тарика чорвачи-ликнинг ҳадисини олдик. Қўни-қўшилларга ҳам қўйкор боқиш сир-асрорларини ўргатяпмиз.

Ҳозирги кунда улар ҳам қўй боқиб, яхши даромад олишаё-тир.

Уроҳон аянинг кичик бизне-сининг катта тадбиркорликка ай-ланиб кетгани бизга бир ҳақиқат-ни аңлатади. Яъни озроққина пул билан ҳам катта бизнесни яратиш мумкин экан. Гоҳида банк эшигида сарғайиб, кредит олол-май юрган ёки бўлар-бўлмас ба-хонани рўқач қиладиган баъзи инсонларга Уроҳон аянинг фао-лияти ёрқин намунадир.



Омилкорлик бор жойда...

Фаргона туманида малиначи-лка ўзига хос мактаб яратилган. Аҳоли томорқаларидан тортиб кат-та плантацияларгача ушбу ўсимлик барқ уриб ривожланмоқда. Айни кунда Фаргона туманида малина ҳосилини йиғиб-териб олиш ишла-ри давом этмоқда. Туманда 620 гек-тардан зиёд майдонларда мазкур мевани етиштириш йўлга қўйилган. 5660 та хонадонда 198 гектар, деҳқон ҳўжалиқларида эса 138 гек-тар ерда ҳосил етиштирилмоқда. Хусусан, Дилқушо маҳалласи-нинг асосий драйвери малиначи-лик ҳисобланади. Маҳаллада 3 390 нафардан зиёд аҳоли ва 1216 та хонадон бор. Аҳолини ишли қилишда, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳам деҳқончиликнинг ушбу тури му-ҳим аҳамият касб этмоқда. — Деярли ҳамма хонадонда ма-лина бор, — дейди Фаргона ту-манидаги “Дилқушо” МФЙ хотин-қизлар фаоли Замира Нишонов. — Биз ишсиз ва “аёллар дафта-ри”да рўйхатда турган хотин-қиз-ларга 30 йиллик шартнома асо-

ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД

Сирдарё вилоятида ушбу мақомга эришиш йўлида амалий чора-тадбирлар кўриляпти

Давлатимиз раҳбари бундан уч йил бурун, аниқроғи, 2022 йилнинг ноябрь ойида Сирдарё вилоятини ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича топшириқ берав экан, ушбу мақсадга эришиш учун нима қилиш, қайси йўналишларга эътибор қаратиш, қандай йўл тутиш лозимлигини кўрсатиб берганди. Ҳўш, ўтган давр ичида мазкур долзарб ижтимоий-иқтисодий масала бўйича қандай натижаларга эришилди?

Бандлик

Сирдарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасидан маълум қилишларича, 2023 йили вилоят-да жами 125 мингга янги иш ўрни яратиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Бу натижага эришиш учун тадбиркорлик, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш каби йўналишларни яна-да ривожлантиришга эътибор қунайтирил-ди. Айни чоғда қурилиш, транспорт ва коммунал соҳалар, инвестициялар, ташқи савдо ва маҳаллий саноатни қўллаб-қув-ватлаш ҳисобига қўллаб иш ўрни яратил-ди. Натижада 132 минг 200 нафар киши-нинг бандлиги таъминланди. Бу белги-ланган йиллик режа 105,8 фоизга бажа-рилди, демакдир.

Президентимиз Сирдарё вилоятига ҳар бир ташрифи чоғида ҳудудни ҳар то-монлама ривожлантириш борасида янги-дан-янги ташаббусларни илгари суради, — дейди Сирдарё вилояти Камбағаллик-ни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлигининг ўринбосари Нурилла Ма-матқулов. — Жумладан, 2023 йилда са-ноат, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича илгор иннов-ацияларга қўл уриш зарурлиги бўйича бер-ган топшириқлари айни пайтда ишсиз-ликдан холи ҳудудга айлантириш вази-фасини бажаришда дастуриламал бўлди, десак, муболага бўлмайди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг вилоят аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратил-

ган 5 та янги ташаббусига кўра ҳар бир туман, шаҳарда “Хитой модели” асосида саноатга ихтисослаштирилган иннов-ацион технопарклар ташкил қилинди. Уларнинг барчасига “эркин иқтисодий зона” мақоми берилиб, қатор имтиёзлар қўлланилди. Шунингдек, аҳоли томорқа-сидан унумли фойдаланиб, даромадини ошириш борасида Сайхунобод тажриба-си оммалаштирилиши бандлик масала-сини ҳал этишда самаралар бера бош-лади.

Бинобарин, томорқадан унумли фой-даланишга қаратилаётган чора-тадбир-лар доирасида Сирдарё туманининг Куёш маҳалласидаги 1155 та хонадон-нинг аксариятида иссиқхоналар ташкил қилинди. Бу соҳада бой тажрибага эга фуқаролар кўмагида аҳолига иссиқхона деҳқончилигининг сир-асрорлари ўргатилди. Шу тарика “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили жорий этилиб, етиштирилган маҳсулотни четга экспорт қилиш йўлга қўйилди. Маҳалланинг ўзида 2023 йил давомида Қозоғистон ва Россия давлатларига 35 млрд. сўмлик помидор, булғор қалампир каби маҳсулотлар жўнатилди. Бу кўрсаткич 2024 йилда 45 млрд. сўмдан ортиди. Ўз навбатида, экспорт жүрғофияси ҳам кен-гайди.

Айтиш лозимки, Президентимизнинг 2024 йил 9 январдаги “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғри-сида”ги қарорига мувофиқ, вилоятда 142 983 та янги иш ўрни яратиш белги-



ланган бўлса, амалда 173 100 та иш ўрни очилди. Натижада белгиланган режа 108,7 фоиз бажарилди.

Сирдарё вилоятини ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда Сайхунобод, Ҳўйи, Зарбодор, Ғиждувон тажрибалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, бунинг на-тижасида тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгариб, одамларнинг даромади ошди, эртанги кунга ишончи кучайди. Шунинг-дек, банк хизматлари маҳалла даража-сигача туширилиши ҳам яхши самара берди. Хусусан, Сайхунобод тажрибаси асосида 220 млрд. сўм кредит ҳисобига 7 мингта микролойиҳа ишга туширилиб, 4 минг 200 нафар камбағал кишининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқа-ри, танлаб олинган 2 300 та хонадонга 37 млрд. сўмлик учталиқ ва бешталиқ кредит пакетлари, яъни қорамол ва қўй, парранда, асалари уяси етказиб бери-лиши эвазига 1 минг 600 нафар киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан 25 млрд. сўмлик кре-дитлар ажратилиши ҳисобига 1100 та 3 — 5 сотихли ихчам иссиқхоналар бар-

по этилиб, 1,5 минг киши камбағаллик-дан чиқарилди.

— Тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича ниятимни маҳалламиздаги ҳоким ёрдам-чисига билдирганим, йўл-йўриқ кўрсат-ди. Энг муҳими, амалий кўмаги билан 100 млн. сўмлик имтиёзли кредит олдим ва гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бир йил олдин ўзим ишсиз бўлсам, ҳозир-да 10 нафар маҳалладошимни ишли қилдим, — дейди Мирзаобод туманидаги Тинчлик маҳалласида истиқомат қилувчи Рустам Ўноров.

Таҳлил ва маълумотларга кўра вилоят-да 2024 йил бошида камбағаллик дара-жаси 13,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил бошига келиб 10,2 фоизга па-сайган. Жорий йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 7,4 фоизга тушириш бел-гилаб олинган. Худудларда олиб бори-лаётган ишлардан кўриниб турибдики, бу қўзланган мақсад ҳам ортиги билан бажа-рилади. Ва тез орада Сирдарё вилояти том маънода ишсизликдан холи ҳудудга айланади.

Аҳмодали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН «SOMMERFEST — 2025» ФЕСТИВАЛИ

Германиядаги Ўзбекистон элчихонасида ушбу мамлакат сайёҳлик агентликлари уюшмаси (DRV) билан биргаликда “Sommerfest — 2025” фестивали ўтказилди.

У Ўзбекистон туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш ва соҳа вакиллари билан халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинди.

Биз ва жаҳон



Унда Германия Бундеста-гининг Туризм қўмитаси ра-иси Аня Карличек, парламен-т депутатлари, Федерал вазир-лик ва идоралар, Берлинда-ги дипломатия ваколатхона-лари, Европанинг йирик сайё-ҳлик компаниялари ҳамда турагентликлари, етакчи авиакомпаниялар раҳбарла-ри ва вакиллари, журна-листлар қатнашди.

Тадбирнинг расмий оч-илиш қисмида сўзга чиққан мамлакатимиз элчиси Дил-шод Аҳатов иштирокчилар-ни Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янги сайёҳлик йўналишла-ри, барпо этилаётган замо-навий инфратузилмалар ҳамда соҳа ривожини учун сармоа киритишга тайёр инвесторлар учун яратилган қўлайлик ва имтиёзлар билан таништирди.

Ислохотлар самараси си-фатида Ўзбекистон энг жо-зибадор туризм мамлакат-ларидан бирига айланиб бо-раётгани, хусусан, 2022 йил-да 5,2 миллион хорижий сайёҳ Ўзбекистонга келган бўлса, 2024 йилда эса улар-нинг сони 10 миллиондан ошгани таъкидланди. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон ўн миллиондан ортиқ хори-жий сайёҳларни қабул қиладиган дунёнинг 28 давлати қаторидан жой олгани урғу-ланди. Шунингдек, Европа мамлакатларидан сайёҳлар сони ошиб бораётгани, ўтган йилнинг ўзида Герма-ниядан 38 мингга яқин ту-ристар ташриф буюргани қайд этилди.

Янги Ўзбекистон халқаро даражада эътироф этилаёт-гани, жумладан, юртимиз 121 мамлакатни ўз ичига ол-ган “Safety Perception Index 2023” — дунёнинг энг хавф-сиз мамлакатлар рейтингин-да 1-ўринни эгаллагани, Англиянинг “Lonely Planet” сайёҳлик нашриёти томони-дан “2024 йилнинг энг яхши

туристик йўналиши” ва “2024 йил учун энг орзу қилинган янги сайёҳлик мас-кани” номинациялари ғолиби бўлгани ҳамда “Wanderlust Reader Travel Awards” муко-фоти ва бошқа бир қатор совринлар билан тақдирлан-гани айtilди. Жорий йил куз фаслида ЮНЕСКО Бош кон-ференциясининг 43-сессияси орадан 40 йил ўтиб, биринчи марта Парижда тақрибда, яъни Самарқанда бўлиб ўтиши халқаро эътироф си-фатида таъкидланди.

Дипломатик ваколатхона раҳбари сўзининг якунида хо-рижий мамлакатларда Ўзбе-кистоннинг туризм элчилари тайинлангани ҳақида айтди ва Германиядан тайинланган икки нафар туризм элчисига Ўзбекистон Туризм қўмитаси томонидан тақдим этилган махсус сертификатларни тан-танали топширди.

Германия Бундестагининг Туризм қўмитаси раиси Аня Карличек ўз сўзида қадимий ва бетакорр Ўзбекистон бу-гун сайёҳлик имкониятлари-ни янада юксалтирган ҳолда келажак томон одимлаб бо-раётгани, мамлакат туризм-га иқтисодий тараққийнинг таянчи сифатида қараётганини маълум қилди. Парламен-тининг Туризм қўмитаси бу йўлда мамлакатни қўллаб-қувватлаш ва янада танитиш-га ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини билдирди.

Германия сайёҳлик агент-ликлари уюшмаси (DRV) президенти Норберт Фибиг ўз мамлакатидан туристар оқимини янада ошириш учун ҳамкорликни давом эттириш-дан мамнунигини айтиб ўтди.

Фестиваль давомида мам-лакатимиздан келган таниқ-ли санъат усталари томони-дан миллий қуй ва қўшиқлар ижро этилди. Шунингдек, ўзбек миллий ҳунармандчи-лиқ маҳсулотлари кўргазма-си ташкил қилинди.

Аня КАРЛИЧЕК, Германия Бундестагининг Туризм қўмитаси раиси:

— Туризм нафақат инсонларнинг билим ва тафаккурини юксалтиради, балки тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон ноёб маданий меросга эга, унинг қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашгани, маданий хилмаҳиллиги ва айниқса, бугун катта одимлар билан ривожланиб бораётгани дунё маданиятига қизиқадиغان немис халқи учун сеvimли туристик масканга айлантирмоқда.

Норберт ФИБИГ, Германия сайёҳлик агентликлари уюшмаси президенти:

— 2022 йилда соҳанинг энг яхши вакиллари-дан иборат делегация билан Ўзбекистонда бўлди. Орадан бир йил ўтиб 80 га яқин сайёҳлик агентликлари ва туроператорлар ходимлари-га Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконини яратдик. Натижада сайёҳлар сони икки баравар кўпайди. Ўзбекистон халқлар урф-одати, маданиятига қизиқадиغان сайёҳлар учун жозибали манзилдир. Мамлакатларимиз ўртасида фойдаланилмаган салоҳият ва имкониятлар жуда катта. Ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон томонидан барча шароит яратилган, биз Германия туризм уюшмаси сифатида бу ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Герхардт БИРКЛ, «Uzbekistan-online» ва «Uzbekistan-Gallerie» онлайн нашрлар раҳбари:

— Ўзбекистон маданияти ва санъатини жуда қадрлайман. Шу сабабли ҳам бундан 15 йил муқаддам Ўзбекистонга бағишланган онлайн нашрларни ташкил этдим. Ҳозирги кунга қадар улар орқали мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, бой маданий мероси, маданиятини кенг тарғиб қилиб келяпмиз. Ўзбекистоннинг туризм элчиси сифатида тайинлов кўп йиллик меҳнатим учун берилган юксак баҳо ва келажакда мамлакатингиз сайёҳлик салоҳиятини янада танитиш учун катта маъсулият ҳамдир. Ўзбекистонни Германияда машҳур қилиш, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

«Дунё» АА.
Берлин

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Тиббиёт — дунёдаги энг тез ривожланаётган соҳалардан бири. Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги ўрнини, обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганига бутун дунё ғувоҳ бўлиб турибди. Ушбу жараён соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам жадаллик билан кечаётир. Тиббиёти ривожланган давлатлардаги каби энг илғор инновацион тараққиётга эришиш борасида жиддий қадамлар ташланмоқда.

Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари тизимда йўл қўйилаётган камчиликлар, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалар, тиббиёт муассасалари фаолиятига оид тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш бўйича катта ислохотларни амалга оширмоқда. Ислохотлар жараёнида тиббиётнинг бирламчи бўғинига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби бугунги кунда оилавий шифокор пунктлари, кишлоқ ҳамда шаҳар оилавий поликлиникалари аҳолига асосий тиббий ёрдам кўрсатувчи ва касалликларнинг олдини олишга ихтисослаштирилган тиббий муассасалардир.

Шунинг учун ҳам аҳоли тиббий маслаҳат олиш илинжида уларга тез-тез муурожаат қилади. Бунда одамларнинг талаб ва эҳтиёжига мос тиббий хизмат кўрсатилса, табиийки, халқимизда соғлиқни сақлаш тизимига нисбатан ишонч ва қониқиб ҳисси юқори бўлади. Шу боис ҳам соҳада сифатни яхшилаш, замонавий тиббиётни халққа яқинлаштириш мақсадига олиб борилаётган ишларнинг қамрови кенг.

Хусусан, ҳудудлардаги тиббий муассасаларни илғор даволаш ва ташхис усулалари билан таъминлаш жараёни изчил давом эттириляётир. Замонавий тиббиётни ривожлантириш нафақат инновацион ечим ва ёндашувларни амалиётга татбиқ қилиш, балки самарали соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, уни изчил тақомиллаштиришга қодир бошқарув кадрларининг янги авлодини шакллантиришни тақозо этади.

Президентимизнинг шу йил 22 апрелдаги “Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 19 майдаги “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини тақомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишнинг изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда аҳоли саломатлигига эътибор барча нарсадан устун эканидан далolat.

Фармонга мувофиқ соғлиқни сақлаш тизими олдига илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этиш, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий по-

ликлиникалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари, маҳалла тиббиёт пунктлари фаолиятини ягона ёндашув асосида ташкил қилиш орқали аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатишда оилавий шифокор улушини 70 фоизга етказиш, аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан розилиги даражасини 85 фоиздан ошириш, тиббиёт ходимларини самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари асосида моддий рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, тиббиёт бригадалари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш каби мақсадлар қўйилди.

Синов лойиҳаси ишга туширилди

Фармонга биноан, 2025 йил 1 июлдан бошлаб айрим туман (шаҳар)ларда, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса Самарқанд вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели жорий қилинади.

Бунга қўра тажриба-синов лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) тиббиёт бирламчалари негизда туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилади; бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари, шу жумладан, уларга филиал сифатида бириктирилган муассасалар ҳамда маҳалла тиббиёт пунктлари аҳоли сони қамровидан келиб чиқиб, юридик мақомга эга оилавий поликлиникалар ҳамда уларнинг филиалларига айлантирилади.

Оилавий поликлиникалар зарур тиббий усулалар билан таъминланади ва уларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи оилавий шифокор, педиатр, акушер-гинеколог ва ташхислаш хизматларини кўрсатувчи мутахассислар, шунингдек, аутсорсинг асосида стоматология хизмати йўлга қўйилади; аҳолига оилавий шифокорни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Қолаверса, хусусий оилавий шифокорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрда-

ми кўрсатиш бўйича аҳоли ва хусусий оилавий шифокорлар ўртасида битим тузишга рухсат этилади. Аҳолига тиббий хизматлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадасининг йўлланмаси асосида бепул кўрсатилади.

Тажриба-синов лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида тиббиёт муассасаларини хатловдан ўтказиш жараёнида Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедралари ва олийгоҳнинг кўп тармоқли клиникаси ходимлари фаол иштирок этмоқда. Шу йил май ойида СамДТУ профессор-ўқитувчилари, клиника ходимлари томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига бириктирилган аҳоли сони, уларнинг географик жойлашуви, бино-иншоотларининг ҳолати, муассасанинг қуввати, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур тиббий ас-

кортишнинг замонавий тизимини шакллантириш, умуман, халқимиз соғлиғини асраш — асосий масалалардан.

Айтиш жоизки, ривожланган давлатларда тиббиёт тизимининг аксарияти сифатли тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилган бўлиб, инновацион технологиялар, малакали ходимлар ва аҳолига яқинлаштирилган тизим билан тавсифланади.

Жанубий Корея, Япония, Дания, Нидерландия, Швейцария каби тараққий этган давлатлар тиббиёти ривожланиш даражаси бўйича дунё рейтингига юқори ўринларда туради.

Масалан, Жанубий Корея — дунёда пластик жаррохлик, юрак-кон томир касалликларини даволаш ва онкология соҳасида етакчи ҳисобланади.

Япония дунёдаги энг яхши тиббиётга эга мамлакат сифатида ўз фуқароларининг умр кўриш давомийлиги бўйича етакчилик қилмоқда, бу эса соғлиқни сақлаш тизими юксак даражада ривожланганининг бевоосита натижасидир.

Данияда беморларга тиббий хизмат кўрсатишда уларни юқори ихтисослаштирилган шифоконларга юбориш билан бирга оилавий шифокорларга тақсимлаш тамойили устувор.

Яқин йилларда Ўзбекистон тиббиёти ҳам ривожланган давлатлар қаторида бўлиши учун соғлиқни сақлаш тизимида катта имконият ва шароитлар яратилмоқда.

Замон ривожланиб, тараққиёт илдамлагани сайин тиббиёт олдига турган мақсадлар ҳам, вазифалар ҳам ортиб борар экан, кейинги йилларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ислохотлар самарасини халқимиз кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда. Тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, тиббий хизмат сифати, самарадорлигини кўтариш ва аҳолига яқинлаштириш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, муассасалар моддий-техника базасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сано-ҳаракатлар бунга яққол мисолдир.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажриба асосида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги модели яратилди ва бу асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман, шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий шифокорлик пунктлари фаолиятини ягона ёндашув асосида ташкил қилиш, соҳани рақамлаштириш,

ортиқча қоғозбозликни қисқартириш, тиббиёт ходимлари иш юкмааларини 30 фоизгача камайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини жорий қилиш каби мақсадлар амалиётга татбиқ этилмоқда.

“Electronic Polyclinic”, “Electronic Hospital”, “Electronic Prescription” тизимлари республика бўйлаб жорий қилинмоқда, бу эса маълумотларни марказлаштириш ва беморлар учун онлайн маслаҳатларни таъминлайди. Телетиббиёт хизматлари махсус марказ ва клиникаларда ташкил этилди, хорижий мутахассислар билан консилиумлар, амалий маслаҳатлар онлайн тарзда олиб борилмоқда. Илғор мамлакатлар тиббиётида жорий қилинган барча замонавий усуллар эндиликда ўзимизда ҳам қўлланиляётир.

Хусусан, роботлаштирилган жаррохлик амалиётлари, минималлашув технологиялари асосида лапароскопия, эндоскопия ва бошқа жаррохлик турларида замонавий операциялар ўтказилляпти. Интраваскуляр/эндоваскуляр операциялар, тўр (артериовеноз) бўғимдаги малформацияларни даволаш ва шунтирлаш ишлари, нейрохирургик жаррохлик амалиётлари, юрак, буйрак, жигар трансплантациялари барча вилоятларда, чекка туманларда ҳам ўтказилмоқда.

Беморларнинг пойтахтга боришга эҳтиёжи камаймоқда, тиббиёт тизимини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар чекка ҳудудлардаги одамларнинг ҳам узогини яқин, мушкулани осон қилмоқда.

Тиббий кадрларнинг чет мамлакатларда малакасини оширишга катта эътибор берилляпти. Президентимиз топширми асосида хорижда меҳнат қилаётган 100 дан ортиқ мутахассислар 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонга қайтиб, инновацион усуллар, жаҳон тажрибаси, замонавий тиббий жаррохлик амалиётларини ўзбек тиббиётига олиб кириб, ўз билими билан соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, яъни тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш ва зарарли одатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар изчил давом эттириляпти.

Аҳоли саломатлиги жамият ва давлатнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Бу йўналишдаги ислохотлар, хусусан, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий хизматнинг сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

ФУТБОЛ янгиликлари

«Насаф» қизлар жамоасининг рақиблари маълум

Аёллар жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси мусобақасининг саралаш босқичига қўрға ташланди.



Турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган Қаршининг “Насаф” (“Севинч”) клуби нуфузли мусобақанинг “В” гуруҳидан жой олди. Гуруҳда вакилимиздан ташқари “Ал-Наср” (Саудия Арабистони), “АФ” (Не-

пан) ва “College of Asian Scholars” (Таиланд) жамоалари ўрин эгаллаган. Маълумот учун, “В” гуруҳидаги ўйинлар жорий йилнинг 25 — 31 август кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон кубоги: чорак финал иштирокчилари аниқ

Куни кеча Ўзбекистон кубоги нимчорак финалининг икки учрашувидан сўнг мусобақада ўз иштирокини давом эттирадиган 8 та клубнинг барчаси аниқ бўлди.



“Хоразм” — “Навбахор” баҳсида меҳмонларнинг учта голига хоразмлик футболчилар бир гол билан жавоб берди, аяқнинг ҳисоб — 1:3. Тошкентда “Пахтакор” ва “Олимпик-Мобил”

Шундай қилиб, чорак финалда қуйидаги жамоалар ўзаро кураш олиб боради: “Бунёкор” — “Бухоро”, “Сўғдиёна” — “Навбахор”, “Динамо” — “Шўртан”, “Пахтакор” — “Машъал”.

«CAFA Nations Cup — 2025»га қўрға ташланди

Шу йилнинг 29 августидан 8 сентябргача Ўзбекистон яна бир мусобақага мезбонлик қилади. Марказий Осиё кубоги — “CAFA Nations Cup” турнирининг илк мавсуми 2023 йилда ўтказилган бўлиб, кўплаб мухлисларда илиқ таассурот қолдирган эди.

DRAW RESULTS		
GROUP A		GROUP B
UZBEKISTAN (H)		TAJIKISTAN (H)
KYRGYZ REPUBLIC		IR IRAN
TURKMENISTAN		AFGHANISTAN
OMAN		MALAYSIA
LIVE		

Жорий йилги баҳслар ҳам юқори савияда ўтиши кўтилмоқда. Турнирда бу сарф 8 та жамоа қатнашади. Малайзия ва Ўмон терма жамоалари меҳмон сифатида тақлиф этилган. Кеча мазкур мусобақа учун қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Гуруҳлардаги вазият билан танишинг.

“А” гуруҳ: Ўзбекистон, Қирғиз Республикаси, Ўмон, Туркменистон.

“В” гуруҳ: Тожикистон, Эрон, Малайзия, Афғонистон.

Мусобақа регламентига кўра, “А” гуруҳи ўйинлари Ўзбекистонда, “В” гуруҳи ўйинлари Тожикистонда ўтказилади. Гуруҳда 1-ўринни эгаллаган миллий терма жамоаларнинг финал баҳси “Бунёкор” стадионида бўлиб ўтади.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



МАРОҚЛИ ДАМ

Жорий ёзги мавсумда Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шахрисабз, Яккабў туманлари ҳамда Шахрисабз шаҳридаги сўлим гўшаларда жойлашган 17 та стационар болалар оромгоҳида 7 дан 14 ёшгача бўлган 23 030 нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

Ёзги таътил

Китоб туманининг Қайнар кишлоғида жойлашган “Ёш алангачи” оромгоҳида ҳам болачоларнинг мавсумни мароқли ўтказиши учун барча шарт-шароит ҳозирланган. Бундан ташқари, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда турли кўнгилочар, интеллектуал ёки маъ-

навий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб борилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда бўлиб ўтди.

— Тадбир доирасида “Мен ҳар-

бий бўламан” мавзuida учрашув, “Ватанни мадҳ этаман” расмлар танлови, “Заковат” интеллектуал ўйини, “Ёш китобхон” танлови, “Моҳир қўллар” маҳорат дarsi ҳамда “Ёшлик наволари” каби кўплаб лойиҳалар ташкил қилинди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими бош мутахассиси Латиф Қамбаров. — Ушбу тадбирларда фаол қатнашган болачоларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Ёш истеъдод эгалари иштирокида намойиш этилган мусикий дастур тадбирга янада шуқуқ бағишлади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Жанубий Кореянинг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари Тошкент вилоятига амалий ташриф билан келди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ТАХРИРИЯТ келган кўзёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

ГАЗЕТАНИНГ етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

ГАЗЕТА таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

ГАЗЕТАНИНГ полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“ШАРҚ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.40 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6